

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 1 февраль, № 21 (8364) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ СОҲАСИДА ЯНГИ ТИЗИМ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 31 январь куни Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоят марказларида жамоат транспортининг янги тизимини жорий этиш бўйича йиғилиш ўтказди.**

Жамоат транспорти аҳолининг узоғини яқин қилиб, харажати ва вақтини тежайдиган, ҳаёт сифатини кўрсатадиган муҳим ижтимоий хизмат. Юртимизда бу хизматдан кунига 10 миллиондан ортиқ йўловчилар фойдаланади.

Давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномасида йўловчи ташиш сифатини яхшилаш мақсадида 2023 йилда яна 2 мингта автобус олиб келиниши айтилган эди. Лекин, деди Президент йиғилишда, қанча кўп автобус олиб келинмасин, жойлардаги транспорт бошқармалари ва автобус паркларида ҳозирги иш тизими ўзгармаса, аҳоли эҳтиёжига яраша хизмат кўрсатиб бўлмайди.

Барча ҳудудларда аҳоли учун янги уй-жой, мактаб, боғча, шифохона ва бошқа муассасалар барпо этиляпти. Лекин транспорт соҳаси бу ўзгаришлардан орқада қолиб, бугунги ривожланиш талабларига мос келмаяпти.

Хусусан, айрим вилоят марказида жамоат транспортини ривожлантириш режаси ишлаб чиқилмаган. Транспорт корхоналари кунлик тушум режасини бажаришга боғланиб қолгани боис автобуслар куннинг “энг даромадли” пайтида ҳаракатланишга одатланган. Қолган вақтда йўловчилар узоқ кутиш ёки таксида юришга мажбур.

Шу боис йиғилишда соҳадаги иш тизимини ўзгартириб, хизмат сифатини яхшилаш бўйича таклифлар кўриб чиқилди.

Унга кўра кунлик тушум режасини белгилаш амалиёти бекор қилинади. Ташувчиларга маблағлар автобуснинг юрган масофаси ва одамлар хизмат сифатидан қониқишига қараб берилади. Хизмат сифатига автобусдаги қулайликлар ва санитар ҳолат, кеч қолмасдан бекатга етиб келишига қараб баҳо берадиган тизим бўлади.

Бу тизим Тошкент, Самарқанд, Андижон ва Урганч шаҳарларида жорий йилда, бошқа вилоят марказлари ва Нукус шаҳрида келгуси йилда йўлга қўйилиши белгиланди.

Давлатимиз раҳбари жамоат транспорти аҳолига қулай, тадбиркорларга жозибадор бўлиши кераклигини таъкидлади.

Ҳозирги автобус йўналишларини сўнгги йиллардаги аҳоли эҳтиёжи асосида қайта кўриб чиқилиши керак. Президентимиз бу борада маҳаллий сўровлар ўтказиб, аҳолининг талаб ва истакларини билиш зарурлигини қайд этди.

Транспорт паркини изчил янгилаб бориш ҳам муҳим. Йиғилишда буни рағбатлантириш борасида таклифлар билдирилди.

Жумладан, жамоат транспорти йўналишлари бўйича очиқ тендерда автобусларнинг янгилик даражаси асосий мезон этиб белгиланади. Ташувчиларга тўланадиган маблағларни шакллантиришда ҳар йили автобусларнинг 20 фоизини янгилаб бориш харажатлари кўзда тутилади.

Бундан ташқари, тадбиркорлар олиб келган янги автобуслар бўйича қўшилган қиймат солиғини бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат этилади. Автобуслар сотиб олиш учун 10 йилгача муддатга имтиёзли кредит берилади.

Йўлларда жамоат транспортининг тўсиқсиз ҳаракатланишини таъминлаш — долзарб масала.

Тошкент шаҳрида 73 та асосий кўчада автобуслар учун алоҳида йўлак ташкил этиб, чорраҳалар ўтказувчанлигини ошириш дастури ишлаб чиқилди. Бу орқали автобусларнинг ўртача тезлиги 1,5 баравар ошиб, кечикишлар бартараф этилади.

Вилоятлар ҳокимларига ўз ҳудудида пойтахтдагидек каби транспорт инфратузилмасини яхшилаш бўйича манзилли дастурни тасдиқлаб, амалга оширишни бошлаш топширилди. Бунда йўл ва чорраҳаларда жамоат транспортига устуворлик бериш, бекатларда аҳоли ва тадбиркорларга шароит яратиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

**ЎзА.**

Муносабат



## ТАРИХИЙ АҲДНОМАЛАРГА БОЙ ТАШРИФ

*Ўзбекистон — Қирғизистон муносабатлари ҳақида гапирганда, икки давлат ўртасидаги серқирра ришталарнинг мустаҳкам пойдевори ва асосий тамойилларини яратган умумий тарих, кўп асрлик ўзаро ҳурмат ва яхши қўшничилик анъаналарини эслаш кифоя. Икки давлатнинг замонавий алоқалари қисқа давр ичида сезиларли даражада мустаҳкамланди ва кенгайди.*

Президентимизнинг Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг таклифига биноан шу йил 26-27 январь кунлари ушбу мамлакатга давлат ташрифи ҳамда унда эришилган аҳднома ва битимлар муҳим аҳамиятга эга.

Қирғизистондаги мулоқотларда давлатимиз раҳбари ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг асосий устувор йўналишларини қайд этди. Бу, биринчи навбатда, ўзаро савдо ҳажмини ошириш ва номенклатурасини кенгайтиришдир. Шу мақсадда томонлар учинчи мамлакатлардан импорт ўрнини ўз ишлаб чиқарувчиларимизнинг арзон маҳсулотлари билан тўлдириш, шунингдек, икки мамлакат пойтахтларида савдо марказларини ташкил этиш масалаларини ўрганишга келишиб олдилар.

Саноат кооперацияси доирасида қарийб 500 миллион долларлик янги инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш таклиф қилинди. Автомобиллар, замонавий маиший техника, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, фойдали қазилмаларни биргаликда қазиб олиш ва қайта ишлаш шулар жумласидан.

Давлатимиз раҳбари озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш доирасида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашни муҳим йўналиш сифатида қайд этди. Интенсив боғлар ва иссиқхона хўжаликларини ривожлантириш, картошка, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини етказиб бериш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва бошқа қўшма лойиҳаларни ишга туширишга қаратилган агрокооперация дастурини амалга ошириш шу мақсадларга хизмат қилади.

➡ 2

Мулоқот

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЙЎНАЛИШИДА ҲАМКОРЛИК

*Кеча Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Наримон Умаров Жаҳон банки вакили Даниэла Фелкман билан учрашди.*

Унда Жаҳон банки билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари, шунингдек, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишга қаратилган ислоҳотлар, қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида уларда коррупцион омилларга йўл қўймаслик борасида амалга оширилаётган ишлар атрофлича муҳокама қилинди.

Мулоқот аввалида юртимизда давлат ва жамият қурилишининг барча йўналишида коррупциоген омилларга чек қўйишга қаратилган 90 га яқин, шу жумладан, бевосита коррупцияга қарши курашишга оид 10 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлиги таъкидланди. “Коррупциясиз соҳа” лойиҳалари, “йўл хариталари” ва дастурлар доирасида бир қатор ижобий ютуқларга эришилаётгани эътиборга молик.

Айни чоғда “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонунда ишга киришга номзодларни очиқ мустақил танлов орқали саралаб олиш жараёнини ҳуқуқий тартибга солиш, давлат фуқаролик хизматчиларининг иш самарадорлиги ва компетенциясини баҳолаш мезони, уларнинг малакасини оширишга оид қатор нормалар белгиланган бўлиб, бу амалда ўз самарасини бермоқда.

➡ 2

## МОНИТОРИНГ ДАВОМИДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ТАКЛИФЛАР

**янги таҳрирдаги Меҳнат кодексида акс этди**

*Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар муваффақияти, шубҳасиз, қонунчилик қанчалик ҳаётий ва мукаммал эканлиги билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис охирги йилларда амалдаги қонунчиликни ислоҳотлар бориши нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш ва зарурат бўлганда уларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бунда Олий Мажлис Сенатининг ҳам салмоқли ўрни бор, албатта.*

### Жараён

Аниқроқ айтадиган бўлсак, парламент юқори палатасининг қўмиталари томонидан кўплаб қонунларнинг ижроси ҳолати, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан мониторинг ўтказиб келинмоқда. Муҳими, ана шу жараёнда аниқланган қонунчиликдаги камчиликлар бартараф этилаётир. Буни биргина Меҳнат кодексини бугунги кун талаби даражасига келтириш борасидаги саъй-ҳаракатлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Маълумки, Меҳнат кодекси меҳнат муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, фуқароларга меҳнат қилиш ва муносиб даромад олиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратишни назарда тутади. Бироқ амалга оширилган мониторинглар чоғида 1995 йилда қабул қилинган Меҳнат кодекси таҳрири замонавий воқеликка мос келмаслиги, яъни унда мавжуд бўлган кўплаб нормалар амалдаги бошқа қонунларда ҳам ўз аксини топгани боис амалиётда номувофиқликни келтириб чиқараётгани, фуқароларни меҳнат фаолиятига жалб қилишнинг янги шаклларини қамраб олмаганлиги, хусусан, ҳомиладор аёлларга ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга нисбатан имтиёз етарли эмаслиги, уларга нисбатан меҳнатга доир қонунчилик бузилган тақдирда мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарлик чоралари кучайтирилмагани маълум бўлди.

Айтиш жоизки, Кодексдаги ушбу жиҳатларни қайта кўриб чиқиш ҳамда такомиллаштириш бўйича тайёрланган таклифлардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган 581 та моддадан иборат бўлган янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси 2022 йил 28 октябрда қабул қилинди.

Хўш, янги таҳрирдаги Кодекс амалдагисидан қай жиҳатлари билан фарқланади?

Аввало, меҳнатга оид муносабатларни тартибга солиш жараёнида номувофиқликларнинг олдини олиш мақсадида амалдаги бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган нормаларни такрорловчи 34 та модда янги таҳрирдаги Кодексдан чиқариб ташланганлигини айтиш зарур.

➡ 2

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## МУҲОКАМА МАРКАЗИДА — ҲУКУМАТ ҲИСОБОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисида 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2022 йилда бажарилиши тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи муҳокама қилинди.*

Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида таъкидланганидек, Ҳукумат томонидан Давлат дастури ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида тегишли чора-тадбирлар кўрилган. Натижада 2022 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 105,7 фоизни ташкил қилган.

Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали белгиланган устувор мақсадлар доирасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Хусусан, ихчам, профессионал, адолатли, юқори натижадорликка эриша оладиган давлат бошқаруви тизимини жорий қилиш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг институционал асосларини замон талабларига мослаштириш чоралари кўрилган.

➡ 2

Тадқиқот

## «ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИНИ ТИНГЛАБ»

**лойиҳасининг беш йиллик натижалари қандай?**

*2017 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида юртимизда қатор ислоҳотлар ва чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.*

*Хўш, мазкур ислоҳотлар мамлакат фуқароларининг ҳаётида қандай акс этмоқда?*

“Тараққиёт стратегияси” маркази ҳамда Жаҳон банки томонидан беш йилдан буён бажариб келинаётган “Ўзбекистон фуқароларини тинглаб” лойиҳасининг мақсади айнан мазкур саволга жавоб беришни ўз ичига қамраб олган. Хусусан, мазкур лойиҳа Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларнинг фуқаролар ҳаётида қанчалик акс этаётганини ўрганиб бораётган ягона тадқиқот лойиҳаси ҳисобланади.

Унинг беш йиллик натижаларига бағишланган давра суҳбати “Тараққиёт стратегияси” маркази, Жаҳон банки ва Буюк Британия тараққиёт дастури ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда вазирлик, идора ва муассасалар, илмий марказлар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда Ўзбекистонда ўз фаолиятини олиб бораётган хорижий давлатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари қатнашди.

Тадбир аввалида сўз олган “Тараққиёт стратегияси” маркази ижрочи директори Элдор Туляков, Жаҳон банки ваколатхонаси раҳбари Марко Мантованелли ҳамда Буюк Британиянинг мамлакатимиздаги элчиси Тим Торлот лойиҳанинг аҳамияти ва ўтган беш йилда унинг Ўзбекистондаги асосий ўзгаришлар ва сиёсатни ишлаб чиқишга қўшган ҳиссаси ҳақида тўхталиб ўтдилар.

➡ 2

## ГЛОБАЛ ИННОВАЦИОН ИНДЕКС («GII – 2022»): ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИ КУЧЛИ УЧТАЛИГИДА

***Кейинги йилларда мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Хусусан, “2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент Фармонида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросининг таъминланиши натижасида Ўзбекистон иқтисодиёти Марказий Осиёда ягона мамлакат сифатида илк марта 2020 йилда машҳур Глобал инновацион индексда 93-ўринни банд этган эди.***

### Таҳлил

2022 йилда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (WIPO) томонидан Глобал инновацион индекснинг (“GII —2022”) “Келажак нима, бу инновацияга асосланган ўсишми?” (What is the future of innovationdriven growth?) номи билан эълон қилинган кўрсаткичлар рейтингида эса Ўзбекистон 132 давлат орасида 2021 йилдагига нисбатан 4 поғона юқорилаб, 82-ўринни эгаллади.

Эътибор қилинса, Ўзбекистон дастлабки, яъни 2020 йилда илк уринишдаёқ бу рейтингда 93-ўринни қайд этган. Натижада жадал юқорилаган мамлакатлар “ТОП-10” талигидан жой олган. Бу юртимизда амалга оширилаётган мутлақо янги йўналишдаги дадил ва изчил ислоҳотлар самарасидир, десак, асло муболаға эмас.

Ўзбекистон ўз олдига 2030 йилда Глобал инновацион индексда кучли 50 таликдан жой олишни мақсад қилган. Орадан қисқа муддат ўтишига қарамай натижалар ҳавас қилгулик: мамлакатимиз 2020 йилда ушбу рейтингга кириб 93-ўринни эгаллаган бўлса, 2021 йилда 7 поғона юқорилаб, 86-ўринга муносиб кўрилди. 2022 йил кўрсаткичлари бўйича яна 4 поғона юқорилаб, 82-ўринни эгаллади.

Умуман, ўтган йиллар динамикаси Ўзбекистоннинг жадал юқорилаб бораётганини кўрсатмоқда. Очиғини айтганда, сўнгги ўн йилликда рейтингдан жой олмай келаётган Ўзбекистон иқтисодиёти кўрсаткичлари учун бу жуда катта ва тарихий ютуқдир. Демак, ҳаракат қилинса кўзланган мақсадларга, албатта, эришилар экан.

➡ 3

# МУҲОКАМА МАРКАЗИДА — ҲУКУМАТ ҲИСОБОТИ

1 Маҳалла институти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантиришга қаратилган қатор ишлар удаланди. Жумладан, 834 та маҳалла биноси қурилди, мингдан зиёд маҳалла бинолари таъмирланди ва реконструкция қилинди.

Инвестициялардан кенг фойдаланиш ҳамда экспорт ҳажмини ошириш бўйича "пастдан — юқорига" тамойили асосидаги ишлар кўлами ҳам кенгайди. Жумладан, 2022 йилда 11,8 млрд. долларлик хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, улар доирасида умумий қиймати 12,7 млрд. долларлик 12,6 мингта лойиҳани ишга тушириш ҳисобига 305 мингга яқин иш ўринлари яратилди. Ҳудудий дастурларда кўзда тутилмаган 655,0 млн. долларлик 1 776 та янги лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиб, қўшимча 31,6 мингта иш ўрни очилди.

Давлат дастури ижроси доирасида мактабгача таълимдаги қамров даражасини ошириш бўйича зарур чоралар кўрилди. Масалан, 647 минг 655 нафар 6 ёшли болалар мактабга тайёрлов тизимига қабул қилиниб, қамров даражаси 67 фоиздан камида 90 фоизга етказилди. Шу билан бирга, 2048 та нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фаолияти йўлга қўйилди.

Мактабларда таълим сифатини кўтариш, педагог-кадрларнинг билими ва малакасини халқаро даражага олиб чиқиш бўйича ҳам қатор ишлар қилинди. Жумладан, педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий марказларида 100 минг нафар, махсус платформа орқали 44 минг 979 нафар ўқитувчининг малакаси оширилди. Йил бошидагига нисбатан тоифага эга ўқитувчилар сони 220 минг 110 дан 325 минг 818 нафарга ёки 43,8 фоиздан 64,8 фоизга ортди.

Парламентга тақдим этилган ҳисоботда қайд этилганидек, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, тиббий хизматларни марказлаштириш ва аҳолини тиббий суғурталаш амалиётини жорий қилиш мақсадида муайян ишлар бажарилган.

Хусусан, 106 та оилавий шифокор пункти ва поликлиника, 1 мингта маҳалла тиббиёт пункти ташкил этилди. Бу орқали 3,5 млн. аҳолига бирламчи тиббий хизмат яқинлаштирилди. Илғор хорижий тажрибалар асосида аҳолининг кафолатланган бепул тиббий хизматга бўлган эҳтиёж баланси ишлаб чиқилди. "Тиббиёт бригадалари"га қўшимча 3,6 мингта педиатрия ҳамшираси ва доя штатлари ажратилди. Оилавий шифокорлар томонидан бепул тарқатиладиган дорилар 45 турдан 70 турга етказилди.

Шу билан бирга, 820 та бирламчи тиббиёт муассасасига ташхис ускуналари етказиб берилди. Оилавий поликлиникаларда 19 мингдан зиёд кундузги шифо ўринлари ташкил этилди. Бунинг натижасида 740 минг аҳолига шифохонага бормасдан, маҳалланинг ўзида даволаниш имконияти яратилди.

Халқ вакиллари Давлат дастури ижросини таъминлашда ижтимоий соҳани ривожлантириш масалаларига устуворлик берилганини эътироф этиб, аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, даромадларини ошириш, фан ва узлуксиз таълимни ривожлантириш, тиббий хизматлар сифатини яхшилаш, хотин-қизлар, ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, одамларнинг турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган тизимли ишлар уддаланганини юқори баҳолашди.



Мажлисда Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан Давлат дастури ижроси бажарилиши юзасидан амалга оширилган қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил тадбирларига тўхталиб ўтилди. Хусусан, ҳисобот даврида парламент қуйи палатаси томонидан инсон қадрини юксалтириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалигида интенсив технологияларни жорий этишни жадаллаштириш, ижтимоий соҳани равнақ топтиришга қаратилган қонунлар қабул қилингани ва уларнинг ижроси жойларда мунтазам ўрганиб борилгани алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, ўтган даврда 88 та қонун, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масаласига оид Қонунчилик палатасининг 3 та қарори қабул қилиниб, маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатига юборилди.

Давлат дастурининг ижросига оид ҳисобот юзасидан ҳар бир сиёсий партия фракцияси ўз нуқтаи назарини, фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирди.

Хусусан, **ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари** партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда Давлат дастурининг иқтисодиётни ривожлантириш борасида амалга оширилган ишларга алоҳида эътибор қаратдилар. Жумладан, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга, экспортдаги улушини эса 60 фоизга етказиш бўйича қилинган ишлар ижобий баҳоланди.

Ўз навбатида, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, миллий иқтисодиётнинг драйвери бўлган тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатни давом эттириш, ҳудудларда лойиҳаларни молиялаштириш механизмларининг сифатли ва самарали ижросини таъминлаш бўйича қатор таклифлар бердилар. Иқтисодиётнинг устувор тармоқларини, хусусан, энергетика соҳасида трансформация жараёнларини жадаллаштириш зарурлигига эътибор қаратилди.



**ЎзМТДП фракцияси** аъзолари таъкидлаганидек, фракция йиғилишида мактаб ёшигача бўлган болаларни мактабга тайёрлов гуруҳларига жалб этиш, бошланғич синф ўқувчиларини бепул овқатлантириш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда миллий кино соҳасини ривожлантириш борасида белгиланган вазифалар ижроси атрофлича кўриб чиқилди.

Шундан келиб чиқиб, фракция таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиш, педагог ва тарбиячилар тайёрлаш бўйича қилинаётган ишларни жадаллаштириш юзасидан таклифлар бериб, амалий ишларга кўпроқ аҳамият қаратиш кераклигини таъкидладилар.

**"Адолат" СДП фракцияси** аъзолари коррупцияга қарши курашиш ва коррупциявий ҳолатларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш чоралари кўрилаётганини эътироф этиш билан бирга, амалиётда бу борада ҳали-ҳануз айрим муаммолар, хусусан, инсон омили сақланиб қолаётганлиги, шу боис айрим соҳаларда коррупцияни келтириб чиқарувчи ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида рақамли технологияларни кенг жорий қилиш лозимлигини қайд этдилар.

**ЎзХДП фракцияси** аъзолари таъкидлаганидек, "темир дафтар", "ёшлар дафтари" ва "аёллар дафтари" аҳолининг ижтимоий ҳимоясида муҳим қадам бўлди. Бу орқали ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини аниқлаш ва тизимли ёрдам кўрсатиш, уларни камбағалликдан чиқариш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу маънода, фракция аъзолари жорий йилда мазкур йўналишдаги ишларни давом эттириш, ушбу тизимни янада такомиллаштириш, камбағал аҳоли билан ишлаш самарадорлигини ошириш Ҳукумат фаолиятининг асосий йўналиши бўлиши керак, деб ҳисоблайди.

**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси** вакиллари ҳудудларнинг экологик ҳолатини яхшилаш мақсадида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида йил давомида 200 миллиондан зиёд дарахт ва бута кўчатлари, қаламчалар экилиб, электрон платформага киритилгани, аҳолини санитар тозалаш хизмати билан қамраб олиш даражаси 95 фоизга, чиқиндиларни қайта ишлаш 32,4 фоизга етказилганини эътироф этишди. Айни пайтда атроф-муҳитга таъсир хавфи юқори даражадаги объектларнинг ифлослантирувчи манбаларидан тезкор намуналар олиш учун автоматик станцияларни ўрнатиш бўйича ишларни белгиланган муддатларда якунлаш юзасидан таклифлар берилди.

*Муҳокама ва савол-жавобларга бой бўлган мажлисда депутатлар Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини маъқуллади ҳамда Ҳукумат фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар акс этган тегишли қарор қабул қилинди.*

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.**



# МОНИТОРИНГ ДАВОМИДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ТАКЛИФЛАР

## янги таҳрирдаги Меҳнат кодексида акс этди

1 Айни чоғда 50 дан ортиқ моддалар меҳнат муносабатларининг айрим жиҳатларини, уларнинг субъектлари ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш механизмларини янада тўлиқ очиб берувчи аниқлаштирувчи нормалар билан тўлдирилди.

Энг муҳими, ходимлар ва иш берувчилар меҳнат муносабатларидаги субъектив ҳолатлар янада аниқлаштирилиб, асосий эътибор ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий ҳимоясига йўналтирилди. Меҳнат кодексида илгари назарда тутилмаган — иш берувчи ва ходимнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланди.

Шунингдек, меҳнат муносабатларининг вужудга келиши учун асослар кенгайтирилди. Яъни ишга қабул қилиш бўйича очиқ мустақил танловдан ўтказиш, лавозимга сайланиш, ходимни ваколатли давлат органи томонидан ишга юбориш, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсни ишга қабул қилишда Ўзбекистон Республикасида меҳнат фаолиятини амалга оширишга оид ишлаш ҳуқуқини тасдиқлаш масалалари янада соддалаштирилди. Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексига электрон меҳнат дафтарчасини юритиш бўйича қоидалар киритилиши натижасида иш берувчи ва ходим ўртасидаги меҳнат муносабатларини рўйхатдан ўтказиш, ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатишни тўлиқ рақамлаштириш имконияти яратилди.

Шу билан бирга, аёлларга, шу жумладан, ҳомиладор аёлларга ёхуд уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга нисбатан қўшимча имтиёзлар назарда тутилди.

Эслатиб ўтиш жоизки, янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси жорий йилнинг 30 апрелидан кучга киради.

**Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.**

# ТАРИХИЙ АҲДНОМАЛАРГА БОЙ ТАШРИФ

1 Транспорт ва логистика соҳасидаги шериклик стратегик аҳамиятга эга. Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини қуриш бўйича ишларни фаоллаштириш, Андижон — Ўш — Иркештом автомобиль йўлининг салоҳиятини тўлиқ ишга солиш, шу мақсадда қўшма транспорт-логистика компаниясини ташкил этишга келишиб олинди.

Музокараларда энергетика соҳасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди. Гидроэнергетикадаги лойиҳаларни амалга ошириш, шу жумладан, "Қамбарота ГЭС-1" қурилиши борасидаги биргаликдаги саъй-ҳаракатларни жадаллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Маданий-гуманитар ришталарни кенгайтириш ҳам муҳим вазифалардан. Шу маънода, тарихи ва дини, тили ва маданияти муштарак бўлган халқларимиз ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган қатор аниқ ташаббуслар илгари сурилди. Хусусан, улуғ қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг 95 йиллигини кенг нишонлаш, Ўшда Бобур номидаги Ўзбек мусиқали драма театрининг очилишида биргаликда спектакль намойиш этиш, зиёлилар ва ёшларни фаол жалб қилган ҳолда янги формат — Авлодлар мулоқотини уюштириш, талабалар спартакиадаси, қўшма фестиваль ва концертлар, ижодий тадбирларини ўтказиш таклиф қилинди.

Музокаралар якунида қабул қилинган муҳим ҳужжатлардан бири — Кенг қамровли стратегик шериклик тўғрисидаги декларация бўлди. Бу, давлатимиз раҳбари қайд этганидек, мамлакатларимиз ҳамда халқларимиз манфаатлари йўлидаги кўп қиррали ҳамкорлик ривожида янги даврнинг бошланишидир.

**Абдумалик АКРОМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЙЎНАЛИШИДА ҲАМКОРЛИК

1 Мулоқот иштирокчилари коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишга қаратилган ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида 2022 йилда қабул қилинган Тараққиёт стратегиясида коррупциядан холи мамлакат барпо этиш белгиланганлиги давлат идоралари, хусусан, парламент олдига ҳам улкан масъулият юклашини алоҳида қайд этдилар.

Бу ишларнинг мантиқий давоми сифатида айни пайтда "Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида"ги қонун парламентда муҳокама қилинаётган бўлса, "Давлат хизматчиларининг даромадларини декларация қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилаётир.

Ўз навбатида, меҳмонлар томонидан "Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш бўйича институционал салоҳиятни кучайтириш" мавзусидаги Жаҳон банки лойиҳасининг мақсади ва кутилаётган натижалар тўғрисида батафсил маълумот берилди ҳамда уларни амалга оширишда парламентнинг роли ҳақидаги масалалар таҳлил қилинди.

Учрашув якунида Жаҳон банки билан ҳамкорликни давом эттириш бўйича келишувга эришилди.

**«Халқ сўзи».**

# ЭНДИ МАҲАЛЛАНИНГ ЎЗ БЮДЖЕТИ БЎЛАДИ

*Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида бундан буён давлат инвестиция дастурлари маҳалла даражасига туширилиши, ҳар бир маҳалла ўзининг кутубхонаси, спорт майдончасига эга бўлиши ҳақидаги ташаббуслар илгари сурилди.*

## Фикр

Бу — маҳалланинг нуфузини янада ошириш, бунинг учун фуқаролар йиғинларининг моддий-техник имкониятлари, тизим ходимларининг моддий таъминотини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар янги босқичга кўтарилишидан далолат.

Аслида ҳам, маҳалла идораси шу ҳудудда яшаётган аҳолини бир жойга жамлай оладиган қадрдон масканга айланиши учун хулқи, билими бўйича бошқаларга ҳар томонлама ўрнак бўла оладиган, жонкуяр, элпарвар, замонавий фикрловчи маҳалла фуқаролар йиғини мутахассислари ҳамда маҳалланинг моддий-техника базаси мустаҳкам бўлиши керак.

Қувонарлиси, жорий йилдан бошлаб маҳалла ўз муаммосини мустақил ҳал этиши учун "Маҳалла бюджети" тизимига эга бўлади. Яъни бундан буён мол-мулк ва ер солиқларининг бир қисми маҳалланинг ўзида қолади.

Хизмат фаолиятимиз тақозосига кўра сайловчилар билан сайлов округлари ҳудудида ўтказиладиган учрашув ва мулоқотлар давомида, энг аввало, маҳалла идораси, бу ердаги бино ва иншоотлар, уларнинг моддий-техника базаси билан танишишга тўғри келади.

Жойларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мажмуаси ташкил этилиши билан боғлиқ турли ёндашув, ечим ва натижаларга дуч келамиз. Қайсидир маҳалланинг идораси тўла-тўкис жиҳозланган бўлса, яна бошқасида бинолар таъмирталаб ҳолатда, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланмаётганлари учраб туради. Ваҳоланки, бугун ўз ортидан ҳудуддаги аҳолини, ёшларни эргаштира оладиган маҳалла ходими мамлакатимизда ва дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисалардан ўз вақтида бохабар бўлиши керак. Аҳоли ҳаётини яхшилашга қаратилган қонун ва қонуности ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини халқимизга тўғри етказа олиши лозим. Ахир шундай бир даврда маҳалла мажмуаларида зарур муҳандислик-транспорт коммуникациялари, электр, газ, сув ва алоқа таъминоти ҳаминқадар бўлса, олдимизга қўяётган улуғвор мақсадларга ҳам эришиш осон бўлмайди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мажмуаларини ташкил этиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган манзилли дастур доирасида республика бўйича жами 2 951 та мажмуа, шундан 2 243 та мажмуани давлат-хусусий шериклик асосида, 708 та мажмуа маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан қурилиши белгиланган.

Ўтказилган ўрганишлар давомида ўтган даврда манзилли дастурда белгиланган 2 951 та бинодан 2 051 тасининг қурилиши якунлангани, маҳалла бинолари учун зарур ташқи муҳандислик-транспорт коммуникациялари ўтказилгани, 721 тасида қурилиш ишлари олиб борилаётгани, 189 та мажмуанинг эса қурилиши бошланмагани аниқланди.

Шунингдек, давлат-хусусий шериклик асосида 2 243 та маҳалла мажмуаларини қуриш белгиланган бўлса-да, ўтган икки йил мобайнида 1 333 та, яъни режадаги 45,1 фоиз мажмуанинг қурилиши бажарилган ҳамда 721 тасида қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Шу нуқтаи назардан, юртимизда "юқоридан — қуйига" тамойили асосида барча соҳадаги ислоҳотлар механизмида маҳалланинг ўрни ва аҳамияти ортиб бораётган айни кунларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари нуфузи ва мақомини оширишга қаратилган таъсирчан парламент назоратини ўрнатиш давом эттирилади. Бунда биз, депутатлар маҳаллаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг давлат аҳамиятига молик масалалардаги иштирокини янада кенгайтиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштиришга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

**Мавжуда ҲАСАНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# «ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИНИ ТИНГЛАБ»

## лойиҳасининг беш йиллик натижалари қандай?

1 Э. Туляковнинг маълум қилишича, лойиҳа доирасида ўтган беш йилда "Тараққиёт стратегияси" маркази томонидан ўттизга яқин маҳаллий ва халқаро даражадаги давра суҳбатлари, юздан ортиқ турли мавзуларда учрашувлар ташкил этилди. Тадқиқотлар натижалари ва шу асосда ишлаб чиқилган хулосалар тегишли давлат органлари ва соҳа мутахассисларига тақдим қилиб борилди.

Тадбирнинг асосий маърузачиларидан бири — Жаҳон банки катта иқтисодчиси Уильям Зейтц томонидан лойиҳа тадқиқотлари натижалари хусусида батафсил маълумот берилди.

— Ўзбекистон бугун катта трансформация жараёнларини бошдан кечирмоқда, — дейди у. — Жаҳон банки ана шу ўзгаришларга параллель равишда аҳоли муаммоларини ҳам ўрганиб бораётир. Энг муҳими, Ўзбекистон ҳукумати тадқиқотларимиз натижаларини эътибордан четда қолдирмаяпти. Ҳар бир ислоҳот замирида маълум даражада халқнинг иродаси, хоҳиш-истаклари ўз ифодасини топмоқда.

Ўрганишларимиз жараёнида мамлакат аҳолиси томонидан билдирилган фикрлар таҳлили, бугун Ўзбекистон тўғри йўлни танлаганлигини кўрсатмоқда. Зеро, сўровномаларда иштирок этган аҳолининг 80 фоизи Ўзбекистондаги ислоҳотлардан рози эканлигини билдиришган. Шу билан бирга, мамлакатда янги иқтисодий имкониятлар ҳам яратилмоқда. Энг муҳими, фуқаролар иқтисодий ўсиш кўрсаткичларининг сезиларли даражада ортаётганини ўз ҳаётида ҳис қилмоқда.

Яна бир эътироф этишимиз керак бўлган жиҳат бу, Президент Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатда камбағалликни қисқартириш борасида олиб бораётган саъй-ҳаракатларидир. Ўзбекистон айни йўлда улкан ўзгаришларни амалга оширмоқда ва бу самарали натижаларни кўрсата бошлади, десак, муболаға бўлмайди.

2022 йилда Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш 5 фоизга ортди. Бу бугунги иқтисодий инқироз жараёнида улкан ижобий натижадир. Муҳими, Президент мақсадни тўғри қўя билди, натижада 2022 йилда камбағалликни 17 фоиздан 14 фоизга қисқартиришга эришилди. Глобал нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, Ўзбекистон камбағалликни қисқартириш борасидаги тажрибаси билан бутун дунёга намуна бўла олади.

Тадбирда маҳалла раислари ўртасида ўтказилган сўровлар натижалари юзасидан Жаҳон банкининг ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича катта мутахассиси Роберт Вробел томонидан таҳлиллар келтириб ўтилди.

Жумладан, эксперт тадқиқот натижалари Ўзбекистондаги маҳалла раисларининг кўпчилигини эркаклар ташкил этаётганини кўрсатаётганини, келгуси сайловларда аёлларнинг ҳам вакиллик органларига сайланишига эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, мутахассис ўз нуқтида маҳаллалар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсияларини ҳам билдириб ўтди. Хусусан, маҳаллаларнинг муҳим дастурларни қабул қилиш ва бюджет ижроси ҳамда тақсимотидаги иштирокини ошириш, "Очиқ бюджет" портали орқали инклюзив қарорлар қабул қилишга эришиш зарурлигини илгари сурди.

Тадбир давомида маҳаллий экспертларнинг Ўзбекистонда иқтисодий-ижтимоий соҳаларга оид долзарб мавзулардаги маърузалари ҳам тингланди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).**

# АЁЛЛАРНИНГ СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

*Олий Мажлис Сенатида юртимизда хотин-қизларнинг сиёсий жараёнлардаги фаоллигини янада ошириш мавзусида давра суҳбати ўтказилди.*

*Унда парламент юқори палатасининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси аъзолари, Сенат Девонининг Маҳаллий вакиллик органлари фаолиятига кўмаклашиш, гендер тенглик, одам савдоси ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш масалалари бошқармаси, Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ҳамда гендер тенглик масалалари бўлими, шунингдек, Ўзбекистон сиёсий партиялари "Аёллар қаноти" тузилмаси раҳбарлари қатнашди.*

## Давра суҳбати

Тадбирда 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясининг ижроси ҳамда мақсадли кўрсаткичлари атрофлича муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотига кўра бир қанча вазирлик ва идоралар, шу жумладан, сиёсий партиялар ўз вақтида статистик маълумотларни тақдим этмаган. Шу сабабли сиёсий партиялар вакилларига мазкур кўрсаткичларни ҳар ойнинг 5 санасигача тақдим этиш лозимлиги алоҳида уқтириб ўтилди.

Тадбир давомида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ролини ҳамда сайлов жараёнларидаги фаоллигини ошириш бўйича бевосита сиёсий партиялар билан ҳамкорликда дастур ишлаб чиқиш ҳақида ҳам сўз борди. Бу дастур келажакда хотин-қизларимизнинг сиёсий жараёнларга қизиқишини уйғотишга, шунингдек, фаоллигини оширишга хизмат қилиши алоҳида қайд этилди.

Давра суҳбати мавзусининг долзарблигидан келиб чиқиб, анжуман иштирокчилари томонидан қатор таклифлар берилди. Ўзбекистонда сиёсий фаол аёлнинг имижини яратиш, сиёсий партияларга аёлларни кўпроқ жалб қилиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, айни чоғда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар орасида сиёсий жараёнлар тарғиботини кучайтириш таклифлари ана шулар жумласидандир.

Якунда Олий Мажлис Сенати ҳамда сиёсий партиялар аъзолари 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси ижроси юзасидан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга келишиб олдилар.

**«Халқ сўзи».**

## ГЛОБАЛ ИННОВАЦИОН ИНДЕКС («GII — 2022»):

# ЎЗБЕКИСТОН

## ЖАНУБИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИ КУЧЛИ УЧТАЛИГИДА

1

Бугунги кунда жаҳонда 200 дан ортиқ рейтинг баҳолаш компаниялари бўлиб, шулар орасида энг нуфузлилардан бири — Глобал инновацион индекс (The Global Innovation Index — GII)) ҳисобланади. Жаҳонда юз берган коронавирус пандемияси ҳамда мамлакатлар ўртасида давом этаётган ўзаро низолар туфайли Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти дунё мамлакатларининг иқтисодиётини баҳолашда турли муаммо ва қийинчиликларга дуч келмоқда. Глобал инновацион индекс Корнелл университети, Европа бизнесни бошқариш институти ва Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ҳамда БМТнинг ихтисослаштирилган агентлиги томонидан биргаликда нашр этилади. Ушбу индекс 2022 йилда ўзининг “Келажак нима, бу инновацияга асосланган ўсишми?” мавзусига бағишланган ўн бешинчи нашрини тақдим этди. Ушбу нашр инновациялар иқтисодий ривожланишнинг асосий омили эканлигини англаган ҳолда, жаҳоннинг 135 мамлакатининг инновацион рейтинг ва таҳлилларини ўзида мужассамлаштирди.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг маълумоти бўйича, *Глобал инновацион индекс* — мамлакатларнинг инновацион имконият ва кўрсаткичлари рейтингидир. Бунда институтлар, инсон капитали ва тадқиқотлар, инфратузилма, кредитлар, инвестициялар, коммуникация мезонларига асосланган ҳолда инновациялар даражалари ўлчанади.

Қайд этилишича, *Глобал инновацион индекс* — бу улкан тадқиқот бўлиб, унда инновацион ривожланиш даражасига кўра дунё мамлакатлари рейтинги тузилади. Демак, Глобал инновацион индекс — мамлакатларнинг ҳар йили ўзининг қобилият ва инновациялардаги муваффақиятларига қараб тузиладиган рейтинг. Бу рейтинг одатда корпоратив ва ҳукумат томонидан мамлакатларнинг инновацияларини ўзаро таққослаш учун фойдаланилади.

Мазкур Глобал инновацион индекс субиндексларга бўлинган ҳолда бир нечта баҳолаш компонентларидан иборат бўлади. Глобал инновацион индекс рейтинги кўрсаткичлари жаҳон мамлакатлари иқтисодиётини ўзида қамраб олиб, у 80 га яқин кўрсаткичлар асосида аниқланади.

Хўш, Ўзбекистон ушбу нуфузли рейтингда қайси кўрсаткичлари билан юқорилаб боряпти ва қайси жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратиш лозим?

Юқорида қайд этганимиздек, бу рейтинг маълум мезонлар асосида ишлаб чиқилади. Лекин қарангки, жаҳон иқтисодий ривожланишига ҳамоҳанг тарзда 2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясининг бош мақсади ҳам инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган. Стратегия бош мақсадига эришишнинг натижаси сифатида 2030 йилга келиб, Ўзбекистоннинг Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг кучли 50 илғор мамлакати қаторига кириши зарурий шарт қилиб қўйилди. Буни эса республикамизнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этишини белгиловчи асосий омил сифатида баҳолаш ва эътироф этиш мумкин.

Шуни мамнуният билан айтиш жоизки, Ўзбекистон Марказий ва Жанубий Осиё минтақаси бўйича кучли учталикка кирган етакчи давлат бўлди (Ҳиндистон — 40, Эрон Ислом Республикаси — 53 ва Ўзбекистон — 82). Муҳими, биз Жанубий Осиё минтақасида 2021 йилда 4-ўринда эдик, жорий йилда юртимиз Қозоғистонни ортда қолдириб, “кучли учликнинг янги иштирокчиси” деган номга сазовор бўлди.

Таассуфланарлиси шундаки, мамлакатимиз ҳамон даромад даражаси бўйича ўртачадан пастроқ бўлган 36 та давлат орасида 10-ўринда турибди.

Ўзбекистон 2022 йил кўрсаткичлари бўйича ушбу рейтингнинг “Даромадлик”да 10-ўрин ва “Ҳудуд рейтинги”да 3-ўринни эгаллаб, умумий ҳисобда 27,4 даража кўрсаткичга эга бўлди. Рақамлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Глобал инновацион индекснинг 2022 йил рейтинги бўйича 0,3 даража (25,3) юқорилаган (2021 йилда 0-100 дан 25,0 даражали баҳога эга бўлган). Яъни Глобал инновацион индекснинг маълумотларида Ўзбекистон қуйидаги кўрсаткичларга эга:

«GII — 2022» даги рейтинг — 82-ўрин;

кириш рейтинги — 68;

чиқиш рейтинги — 91;

даромад даражаси ўртачадан паст — 10-ўрин;

ЯИМ харид қобилияти паритети бўйича 291,2 млрд. доллар (ўсиш 103,2 фоиз), ЯИМ аҳоли жон бошига — 8,4 минг доллар (ўсиш 113,5 фоиз).

Хабарингиз бор, ўтган йилнинг 15-16 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммити бўлиб ўтди. Ушбу саммит иштирокчи давлатлари ҳам «GII — 2022» рейтингида ўз ўрнига эга. Жумладан, Хитой — 11, Россия — 47, Ҳиндистон — 40, Эрон — 53, Арманистон — 80, Қозоғистон — 83, Покистон — 87, Озарбайжон — 93, Қирғизистон — 94, Тожикистон — 104 ўриндан жой олган.

Айтмоқчи бўлганимиз шуки, сўнгги йилларда Ўзбекистонннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида фаоллиги ортиб бориши (100 дан зиёд битимлар имзоланиши) халқаро рейтинглардаги ўрнимиз янада юксалиб боришида муҳим аҳамият касб этди.

Асосийси, 2022 йилда Ўзбекистон инновация ишланмалари бўйича Марказий Осиё давлатлари билан таққосланганда, илк бор 1-ўринни эгаллади (2021 йилда Қозоғистон — 79 ўриндан 83-ўринга пастлаган, Қирғизистон 4 поғона юқорилаган — 94, Тожикистон бир поғона пастлаган — 104). Демак, мамлакатимизда 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши, мазкур рейтингда янада юқорилаш имкониятини бермоқда.



*1-жадвал*

### Глобал инновацион индекс («GII — 2022») рейтингида Ўзбекистон

| **Баҳолаш даражаси (0-100)** *(Score)* | **Ўрин** *(Rank)* | **Даромадлилиги** *(Income)* | **Минтақа (CSA)** *(Region)* | **Минтақада** *(Rank)* |
|---|---|---|---|---|
| 27.4 | 82 | Ўртачадан паст (LM) | Марказий ва Жанубий Осиё | 3* |

**Ўзбекистон 2022 йил рейтингида илк бор «ТОП-3»га кирди.*

Бундан кўриниб турибдики, 2026 йилга бориб кучли 50 таликка бемалол киришга шубҳа қилмаса ҳам бўлади (агар ўртача 2,4 даража юқорилаб борилса, бу тўрт йилда 9,6 ёки умумий даража 37.0 бўлиши мумкин, айни вақтда «GII — 2022» «ТОП-50» таликнинг қуйи чегараси 34,0 даражага тенг). Тўғри, рақамлардан ҳаволаниб кетмасдан қўйилган мақсад сари фақат олға интилиш, изланиш, инновация ва яратувчанлик кабиларни сусайтирмаслик керак бўлади.

Хўш, Ўзбекистоннинг Глобал инновацион индекс рейтингида 2020 йилдагига нисбатан 9 поғона юқорилаши қайси кўрсаткичлар эвазига амалга ошди ёки эришилди? Бу саволларга қуйида жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Аввало, буни энг муҳим бўлган 7 та кўрсаткич бўйича маълумотлардан кўриш мумкин.

Агар **биринчи** индикатор бўйича маълумотларга эътиборни қаратадиган бўлсак, *“Институтлар” (Institutions)*да бир поғонага (94 дан 63 га) юқорилаган (57,3 даража). Бу қуйидаги параметрлар бўйича баҳоланган:

*биринчи,* сиёсий муҳит 52,1 даража ёки 94-ўрин (сиёсий ва операцион барқарорлик — 65.5/74, ҳукуматнинг самарадорлиги — 38,8/98);

*иккинчи,* қонунчилик базаси — 50,7 даража ёки 104-ўрин (қонунларнинг сифати — 21,3/123, қонун устуворлиги — 18.5/123, ишдан бўшатиш харажатлари — 17.3/73);

*учинчи,* бизнес муҳити — 69,2 даража ёки 21-ўрин (бизнесни ташкил қилиш қулайлиги — 69,2/21, тўловга лаёқатсизликни ҳал қилишнинг қулайлиги — маълумотлар мавжуд эмас).

Тан олиш керак, ҳозирда мамлакатимиз қонунчилик базасини янада мустаҳкамлаш ва унинг устуворлигини таъминлаш бўйича ҳал қилиниши керак бўлган ишлар кўп. Ўз навбатида, ушбу рейтингда ҳам айнан қонунчилик базасига кучсиз деб изоҳ берилган (104-ўрин). Шу боис сиёсий-ҳуқуқий соҳада халқаро рейтинг кўрсаткичларини келгуси йилларда яхшилаш юзасидан Халқаро рейтинг ва индекслар бўйича республика кенгашининг йиғилишида ҳам алоҳида чора-тадбирлар белгилаб олинди. Қувонарлиси, мазкур параметрда бизнес муҳити бўйича кўрсаткичларимиз кучли дея баҳоланган (21-ўрин).

Кўрсаткичларнинг **иккинчиси**да, *“Инсон капитали ва тадқиқотлар”* (Human capital & research)да 7 поғона юқорилаб 30,8 даража ёки 65-ўрин эгалланган. Бу, асосан:

*биринчи,* таълим 57.4 даража ёки 50-ўрин. Афсуски, таълим кўрсаткичи 2021 йилдагига нисбатан 8 поғона пастлаган. Бунда айрим устунлар бўйича маълумотлар берилмаган (таълим харажатлари, ЯИМга нисбатан 4,9 фоиз ёки 45-ўрин, давлат томонидан молиялаштириш/ўқувчи, ЯИМга нисбатан фоизда — маълумотлар мавжуд эмас, ўрта таълим (мактаб) давомийлиги, йил — 12,5/ 88, талабаларни халқаро баҳолаш дастури PISA шкаласи — маълумотлар мавжуд эмас, ўқувчи-ўқитувчи нисбати, ўрта — 10,9/37);

*иккинчи*, олий таълим — 33,9 даража ёки 54-ўрин (олий таълимга қабул қилиш, ялпи фоизда — 15.9/101, фан ва муҳандислик йўналишидаги битирувчилар, фоизда — 36,9/6, олий таълимга кириш ҳаракатчанлик, фоизда — 0,2/106);

*учинчи*, илмий тадқиқот ва ишланмалар (R&D) 1,2 даража ёки 93-ўрин (тадқиқотчилар, FTE-тўлиқ вақт эквиваленти/киши — 439,9/73, илмий тадқиқот ишларига харажатлар, ЯИМга нисбатан фоизда — 0,1/98, илмий тадқиқот ва инвесторлар, миллион доллар — 0,0/ 38, QS-университет рейтинги — 0,0/72).

Мазкур параметрда айрим маълумотларнинг етарли эмаслиги ёки тақдим этилмагани учун ижобий ҳолатлар кам кўрсатилган. Жумладан, талабаларни халқаро баҳолаш дастури PISA шкаласи ва давлат томонидан молиялаштириш/ўқувчи, ЯИМга нисбатан кабиларни келтириш мумкин. Шундай бўлса-да, рейтингда ўқувчи-ўқитувчи нисбати ҳамда фан ва муҳандислик йўналишидаги битирувчилар кўрсаткичлари кучли — 6-ўрин (Ҳиндистон — 11 ва Россия — 14) дея эътироф этилган.

Рейтингнинг **учинчиси** “Инфратузилма” (Infrastructure) 2021 йилдагига нисбатан 5 поғонага кўтарилган, яъни 41,7 даража.

Бунга асосан, *биринчи*, ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) — 76,1 даража ёки 55-ўринни эгаллаган (АКТга кириш 82,7/78, АКТдан фойдаланиш 62,3/66, ҳукуматнинг онлайн хизмати — 78.2/46, электрон фойдаланувчилар 81,0 /46);

*иккинчи,* инфратузилма — 32,6 даража ёки 56-ўрин (электр энергияси ишлаб чиқариш — 1891,9/ 84, логистика — 24,7/ 92, ялпи капитал шаклланиши, ЯИМга нисбатан фоизда — 40,6 /6);

*учинчи,* экологик мувозанат — 16,4 даража ёки 117-ўрин (ЯИМ/энергиядан фойдаланиш бирлиги 5,2/118 атроф-муҳитга таъсири — 38,2/77, ИСО 14001 экологик сертификатлари/млрд. доллар ЯИМга нисбатан — 0,1/125).

Мазкур кўрсаткичларнинг айримлари бўйича биз кучли 50 таликдан жой олганмиз, десак ҳам бўлади, масалан, ҳукуматимизнинг онлайн хизматлари бўйича 46-ўрин. Е-электрон бўйича ҳам шу натижа, ҳаттоки кучли 10 таликка даъвогарлик қиладиган кўрсаткичимиз ҳам йўқ эмас, масалан, ЯИМга нисбатан капиталнинг шакллантириш даражаси 7-ўрин! (Россия — 59, Қозоғистон — 24).

Умуман олганда, “Инфратузилма” (Infrastructure) бўйича кўрсаткичларимиз рейтингда ўзининг кўплаб параметрларда кучли томонларини кўрсата олган.

Халқаро рейтингнинг яна бир муҳим кўрсаткичи бўлган **тўртинчи** “Бозор жозибадорлиги” (Market sophistication) бўйича 36 поғона пастлаган. Яъни кўрсаткич — 33,9 даража ёки 60-ўринга лойиқ кўрилган.

Бунда *биринчи*, кредит — 7,1 даража баҳоланган ёки 119-ўрин (кредит олиш қулайлиги — маълумот йўқ, 2021 йилда бу — 65,0/61 бўлган, хусусий секторга ажратилган ички кредит, ЯИМга нисбатан фоизда — 35,7/87, микромолиявий ялпи кредитлар, ЯИМга нисбатан фоизда — 0,2/51);

*иккинчи,* инвестициялар бўйича 2022 йил учун маълумотлар тақдим этилмаган. Ваҳоланки, бу 2021 йилда қуйидагича бўлган: — 70.0 даражага баҳоланган ёки маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаган (миноритар инвесторларни ҳимоя қилиш қулайлиги — 70,0/36, бозор капиталлашуви, ЯИМга нисбатан фоизда — маълумотлар мавжуд эмас, венчур капитали инвесторлари, битимлар/млрд. доллар — маълумотлар мавжуд эмас, венчур капитали олувчилар, битимлар/млрд. доллар — маълумотлар мавжуд эмас);

*учинчи,* савдо, диверсификация ва бозор ҳажми — 60,7 даражада баҳоланган ёки 51-ўрин (қўлланиладиган тариф ставкаси, ўртача вазнли, 2,6/69, маҳаллий саноатни диверсификация қилиш — 92,9/37, ички бозор ҳажми млрд. доллар (PPP) — 291,2 /59).

Рейтингнинг “Ишбилармонлик жозибадорлиги” (Business sophistication) номли **бешинчи** кўрсаткич бўйича 2021 йилдагига нисбатан 2022 йилда мутлақ рекорд бўлган, десак бўлади, яъни бошқа йилларга нисбатан ўн баробар — 49 поғонага юқорилаган (123-ўриндан 74-ўринга).

Бунда *биринчи*, билимли ходимлар бўйича маълумотлар тақдим этилмаган (ўтган йилда бу — 22.8 даражада баҳоланган), расмий тренингни таклиф қилувчи фирмалар фоизда — 16,9/98, бизнес томонидан амалга оширилган GERD, ЯИМга нисбатан — 0,1/69, бизнес томонидан молиялаштирилган GERD фоизда — 13,7/56, илғор даражага эга бўлган аёллар — маълумот мавжуд эмас);

*иккинчи,* инновацион алоқалар 24.7 даража ёки 59-ўрин. Ўтган йили маълумотлар етарли бўлмаганлиги учун 109-ўринда эди. (Университет ва саноатнинг илмий тадқиқот ишлари бўйича ҳамкорлиги — маълумот мавжуд эмас, кластернинг ривожланиш ҳолати — маълумот мавжуд эмас, чет эл томонидан молиялаштирилган GERD, ЯИМга нисбатан фоизда — 0,0/93, қўшма корхона/стратегик шериклик битимлари/млрд. доллар, ЯИМга нисбатан фоизда — 0,0/62, патент оилалари/млрд. доллар ЯИМга нисбатан фоизда — 0,0/ 91);

*учинчи*, билимларни ўзлаштириш — 22,8 даража ёки 100-ўрин (интеллектуал мулк тўловлари, умумий савдо фоизда — 0,4/74, юқори технологиялар импорти, умумий савдо фоизда — 9,1/54, АКТ хизматлари импорти, умумий савдо фоизда — 0,7/98, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар соф тушуми, ЯИМга нисбатан фоизда — 2,6/54, тадқиқот қобилияти, корхоналарда, фоизда — 12,9/58).

Рейтингнинг мазкур ишбилармонлик жозибадорлиги кўрсаткичларида биргина бизнес томонидан молиялаштирилган GERDни ҳисобга олмаганда, кучли томонлари мавжуд эмас.

> 2022 йилда Ўзбекистон инновация ишланмалари бўйича Марказий Осиё давлатлари билан таққосланганда, илк бор 1-ўринни эгаллади (2021 йилда Қозоғистон — 79 ўриндан 83-ўринга пастлаган, Қирғизистон 4 поғона юқорилаган — 94, Тожикистон бир поғона пастлаган — 104). Демак, мамлакатимизда 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши, мазкур рейтингда янада юқорилаш имкониятини бермоқда.

Рейтингнинг **олтинчи** “Илмий ва технологик натижалар” (Knowledge & technology outputs) бўйича кўрсаткичда 17,9 даража ва 80-ўринни эгалладик. Ваҳоланки, бу кўрсаткич 2021 йилда 2020 йилдагига нисбатан 13 поғона юқорига кўтарилган. Яъни 90-ўриндан 77-ўринга! Аслида, ушбу кўрсаткич бундан-да яхшироқ бўлиши керак эди, лекин патентлар, илмий-техник мақолалар ва иқтибос қилинадиган маълумотларимиз мақтангулик эмас.

*биринчи,* билимларни яратиш (ижодий ёндашув) — 9,1 даража ёки 78-ўрин (патентлар/млрд. доллар (PPP) ЯИМга нисбатан фоизда — 1.3/56, PCT патентлари/млрд. доллар (PPP), ЯИМга нисбатан фоизда — 0,0/95. Эътироф этиш жоизки, фойдали моделлар бўйича кучли томонларни кўрсата олган/млрд. доллар, ЯИМга нисбатан фоизда — 1.3/18, илмий ва техник мақолалар/млрд. доллар (PPP), ЯИМга нисбатан фоизда — 2.4/124, иқтибос қилинадиган ҳужжатлар h-индекси — 3,4/113);

*иккинчи,* билимлар таъсири — 33,9 даража ёки рейтингда 42-ўрин! (Меҳнат унумдорлигининг ўсиши, фоизда — 4,7/7, янги тадбиркорлик субъектлари —2,7/49, дастурий таъминот харажатлари, ЯИМга нисбатан фоизда — маълумотлар мавжуд эмас, ИСО 9001 сифат сертификатлари/млрд. доллар (PPP) ЯИМга нисбатан — 1,5/92, юқори технологияли ишлаб чиқариш, фоизда — 27,3/46);

*учинчи,* билимларнинг тарқалиши 10,7 даража ёки рейтингда 101-ўрин (интеллектуал мулк объекти бўйича тушумлар, фоизда — 0,0/106, ишлаб чиқариш ва экспортнинг жозибадорлиги — 30,3/85, юқори технологиялар экспорти, умумий савдога нисбатан фоизда — 0,3/98, АКТ хизматлари экспорти, умумий савдога нисбатан фоизда — 0,9/87).

Республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий йўналишлардаги ислоҳотлар асосида тадбиркорлик субъектларининг пайдо бўлиши ва улардаги меҳнат унумдорлигининг юқорилиги халқаро рейтингда ҳам ўз аксини топган. Яъни меҳнат унумдорлигининг ўсиши бўйича рейтингда (Беларусь — 38, Россия — 44, Қозоғистон — 48) 8-ўрин! Бу фоизда — 4,6/8, шунингдек, яратиб берилаётган шарт-шароитлар асосида янги тадбиркорлик субъектларининг кўрсаткичлари бўйича ҳам ижобий натижага эришилган. Умуман, мазкур кўрсаткичларда келтирилган таҳлилий маълумотлар ўзининг кучли томонларини кўрсата олган.

“Ижод маҳсули” (Creative outputs) деб номланган **еттинчи** кўрсаткичда Ўзбекистон 11 поғона юқорилаган (2022 йилда 102-ўрин) ва рейтингда 7,7 даражани эгаллади.

*Биринчи,* номоддий активлар — 12,5 даража ёки 94-ўрин (рейтингдан илк бор жой олди), савдо белгилари бўйича/млрд. доллар (PPP), ЯИМга нисбатан 30,9/75, глобал бренд қиймати, энг юқори 5000, ЯИМда — маълумотлар мавжуд эмас, саноат намуналари бўйича/млрд. доллар (PPP), ЯИМга нисбатан — 0,6/82);

*иккинчи,* ижодий товарлар ва хизматлар — 5.3 даража ёки рейтингда 100-ўрин (маданий-ижодий хизматлар экспорти, умумий савдога нисбатан фоизда — 0,0/132, миллий бадиий фильмлар — 1,2/79, кўнгилочар ва медиа бозори — маълумотлар мавжуд эмас, матбаа ва бошқа оммавий ахборот воситалари, ишлаб чиқариш фоизда — 0,5/79, ижодий маҳсулотлар экспорти, умумий савдога нисбатан фоизда — 0,3/68),

*учинчи,* онлайн ижодкорлик 0,5 даража ёки рейтингда 109-ўрин (умумий юқори даражадаги доменлар (TLD) — 0,0/132, мамлакат коди TLD — 1,2/79, википедия таҳрирлари — 0,9/104, мобиль иловалар яратиш/млрд. доллар (PPP), ЯИМга нисбатан — 0,0/107).



Тан олиш лозим, ушбу кўрсаткич бўйича ҳали олдинда қилинадиган ишлар кўп, гарчи 113 поғонадан 102 поғонага кўтарилсак-да, барибир интеллектуал мулк объектларини яратиш ва уни тижоратлаштириш (интеллектуал мулк экотизимини яратиш) масаласида хорижий тажрибадан анча ортдамиз, бу давлат раҳбари томонидан ҳам кўп бор таъкидлаб ўтилган ва устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб берилган.

Умуман, бугун Ўзбекистоннинг халқаро индекслар ва рейтинг кўрсаткичларига эришишдаги муҳим қадамлардан бири сифатида қабул қилинган Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси амалда ишламоқда. Буни халқаро рейтинг кўрсаткичларида босқичама-босқич юқорилаб бораётганлигимиздан ҳам англаш қийин эмас.

Бироқ тан олиш керак, бугунги кунда Ўзбекистонда илм-фан ва илмий фаолиятга йўналтирилаётган маблағ мамлакат ялпи ички маҳсулотининг атиги 0,5 фоизини ташкил қилади. Ушбу кўрсаткич ривожланган ва ривожланаётган давлатлар томонидан илм-фанга йўналтирилаётган маблағларга нисбатан анча камдир. Шунингдек, илмий тадқиқот ишлари натижаларини тижоратлаштириш даражаси юқори эмас. Бу эса илмий ташкилотлар ва улар томонидан ташкил этилган инновацион корхоналарга инвестиция ва банк кредити маблағларини жалб қилиш имкониятини бермайди. Шундай экан, 2030 йилга қадар Глобал инновацион индекс рейтингида юқори поғоналарни эгаллаш учун айрим паст деб баҳоланган кўрсаткичларни яхшилаб бориш керак бўлади. Бунда қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

биринчи, инсон капитали ва тадқиқотлари компоненти бўйича илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларига харажатларни ошириш ҳамда технологиялар трансферини ривожлантириш;

иккинчи, бизнеснинг жозибаси компоненти бўйича хорижий компаниялар томонидан молиялаштириладиган (GERD) кўрсаткичларини янада яхшилаш ҳамда АКТ хизматларини ривожлантириш;

учинчи, фан ва технология натижалари компоненти бўйича билимларнинг оммалашувини янада ошириш ва ривожлантириш;

тўртинчи, ижодий натижалар компоненти бўйича интернет ижодкорлиги ҳамда мобиль иловаларни яратишни янада такомиллаштириш.

Қолаверса, Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясига мувофиқ, чоп этилган илмий мақолалар сони, улардан иқтибос келтириш индекси, халқаро конференциялар ва семинарларда иштироки, олинган патентлар сони бўйича танланган соҳадаги энг фаол олий таълим муассасаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг тадқиқот йўналишини доимий равишда кучайтириб бориш зарур.

Умуман олганда, Ўзбекистон Глобал инновацион индекс рейтингида ўзининг дастлабки қадамларини дадил ташлагани ва иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар орасида салмоқли ўрин эгаллаб бораётгани барчамизга фахр бағишлайди. Бу эса мамлакатимизнинг барқарор тараққиёти, давлатимиз куч-қудратининг мустаҳкамланиши ҳамда халқимиз фаровонлиги даражасининг ўзига хос кўзгусидир.

**Нурбек РИЗАЕВ,**
**Банк-молия академияси профессори, иқтисодиёт фанлари доктори.**



9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

# Буюк даҳонинг ёдномалари

***Буюк сўз даҳоси, улуғ мутафаккир Алишер Навоий мероси юксак бадиият намуналари сифатида асрлар оша яшаб келмоқда. Беназир шоирнинг ғазаллари, рубоийлари, туюқлари, маснавийлари, достонлари билан бирга тарихий мемуар асарлари ҳам халқимизнинг бебаҳо маданий мулки бўлиб, ёш авлодни юксак маънавият соҳиблари қилиб тарбиялашда муҳим ўринга эга.***

Ҳазрат Навоий дўстлари, устозлари — Саййид Ҳасан Ардашер, Абдураҳмон Жомий, Паҳлавон Муҳаммад ҳақида қатор ёдномалар битган. Эсдаликлардан иборат ушбу насрий асарлар ўқувчига улуғ бобокалонимиз замондошлари ҳаётини ўрганиш, тарихнинг биз билмаган сирларидан воқиф бўлиш, Ўрта асрлар инсонларининг феълу руҳиятини тасаввур қилиш имкониятини яратади. Хусусан, жаҳонда тенги йўқ истеъдод соҳибининг замондоши Абдураҳмон Жомий шарафига битган “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асари мана, неча асрлардан бери, мамлакатимиз ҳамда хорижлик адабиётшунослар, тарихшунослар, жамиятшунослар ва психологлар томонидан ўрганиб келинади.

Ҳазрат Алишер Навоий асарда *“Аввалғи мақолат — алар била бу фақир орасида ўтган иттифоқий умур* (ишлар, воқеалар), *ғаробатлиқ* (ажойиб, нодир) *сўзларким, андин аларнинг бу фақирға хусусият ва илтифотлари маълум бўлур”,* дея устози Абдураҳмон Жомий ҳаёти, ижоди, турмуш тарзи, фазилатлари, маҳоратлари билан боғлиқ хотираларини баён этади.

Асарда келтирилган ҳаётий ҳикоялар тилининг соддалиги, самимиятга йўғрилганлиги билан ўқувчини ҳайратга солади. Жумладан, бир ҳикояда қаҳрамонлар ўртасидаги лутф, эътироф, дўстона муносабатга қурилган диалоглар бор. Ҳикояда муаллиф темурий ҳукмдорларга хос бунёдкорлик, шаҳарсозлик маданияти, хусусан, Султон Ҳусайн Бойқаро инаугурацияси ўтганидан сўнг Ҳиротда барпо қила бошлаган “Жаҳоноро” боғининг тарҳи билан боғлиқ бир ибратли воқеани баён қилади. Мазкур воқеа 1469 йил март ойларида бўлиб ўтади.

Ҳикоянинг мазмуни шундай: “Жаҳоноро” боғининг бош боғбони бўлган Султон Ғиёс манзарали боғдорчиликда экиладиган 104 та сарв (сарвдошлар оиласига мансуб игнабаргли ўсимликлар туркуми, доим яшил манзарали, баландлиги 30 метрга етадиган дарахт. Сарвлар боғларда манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади. Жуда чиройли шаклда ўсиши туфайли Шарқ мумтоз шеъриятида мажозий маънода сарвқомат ёр образини тасвирлашда кўп қўлланилган) дарахти кўчатларини сотиб олган бўлади. Бу воқеанинг шоҳиди Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий ўртасида шундай суҳбат бўлиб ўтадики, унда икки даҳонинг луғат бойлиги нақадар кенглиги, теранлиги, бир сўзда қўш маъноларни ишлата олиш қобилияти яна бир бор намоён бўлади. Чунончи:

*“Подшоҳ ул йилки Хуросон тахтин олғондаким, “Жаҳоноро” боғи тарҳин солдилар. Бир панжшанба куни ул ҳазрат хизматларида Гозургоҳидин* (Гозургоҳ — Ҳиротда тоғ этагидаги хушманзара майдон.) *дашт юзи била Хиёбон* (Хиёбон — Ҳиротнинг марказий кўчаси.) *сори бориладур эрди. Саййид Ғиёским, ул боғнинг таъмири ва боғбонлиғи анға мутааййин эрди, йўлда йўлуқтиким, аробаларға улуғроқ сарв йиғочларин боғлардин сотун олиб, кўнгариб юклаб, “Жаҳоноро” боғига элтадур эрди: Ул Ҳазратға салом бериб, илтифот қилиб, мутояба била дедилар:*

*— Яна ҳеч сарв йиғочи қолдиму? Не, буйла сарв йиғочи юклабсен, оё неча йиғоч бўлғай?*

*Ул дедиким:*

*— Санаббиз, юз тўрт ададдур.*

*Алар дедиларким:*

*— Ажаб ададдур.*

*Фақир дедиким:*

*— Муносиб ададдур, невчунким, “қад” адади била муносибдур.* *Алар дедиларким:*

*— Ростдур, — дағи фақирни таҳсин қилдилар”.*

Араб ёзувдаги “қад” сўзининг ҳарфлари миқдори абжад ҳисобида 104 рақамини англатишини ҳисобга олсак, ушбу суҳбатда Алишер Навоийнинг нақадар закийлиги, ҳозиржавоблиги кўринади. Ўз навбатида, бу ҳозиржавобликка устози Жомий “Ростдур” дея самимий таҳсин айтади.





Асарнинг “Авалғи мақолат” фаслида Абдураҳмон Жомий портрети чизилар экан, маҳоратли муаллиф айрим замондошлари ёки уларнинг фарзандларининг бевақт вафоти билан боғлиқ бўлган мотам кунлари, бу каби ғамли, қайғули дамлардаги аянчли аҳволи, руҳиятини ҳам ёритишга ҳаракат қилган. Жумладан, бу борада ҳазрат Жомийнинг Сайфиддин Муҳаммад исмли ўғли ёки Музаффар Ҳусайн Мирзонинг Аҳмад Ҳусайн исмли фарзандининг вафоти, ушбу дафн маросимларида аза соҳибларига қарата айтилган таскин, таъзия билдириш, йўқлов тасвирларини эслаш кифоя.

Мотам мавзуси акс этган қуйидаги таъсирли лавҳага диққат қилсак: *“Қуррат ул-айни салтанат Музаффар Ҳусайн Мирзонинг Аҳмад Ҳусайн отлиғ фарзанди Тенгри раҳматиға борганда алар азо сўрар дастур била “Боғи Сафед”ға келиб эрдилар. Фақир ул азиз фарзанд марсияси била ул азиз ота дуоси бобида бу байтни айтиб эрдимким:*

*Гар шамъ мурд, меҳри фалакро мадор бод,*
*Гар қатра рехт, оби бақоро қарор бод.*
(Байт мазмуни:
Шамъ ўчса ҳам осмон қуёши
айланиб турсин,
Қатра тўкилса ҳам боқийлик суви
барқарор бўлсин.)

*Ул Ҳазрат хизматларида астағина ўқудум. Султонзода мажлисларида алар давот ва қалам ва қоғоз тиладилар, дағи бу байтни битидиларким:*

Фарзанд меваест зи шохи дарахти умр,
Гар з-он ки мева рехт, шажар пойдор бод.
(Байт мазмуни:
Фарзанд умр дарахти шохидаги
бир мевадир,
Агар ундан мева тўкилса,
дарахт доимо бўлсин.)

*Ва султонзода ниёзмандлиғлар қилиб, бу байтнинг мусаввадасин олиб, азим таъзимлар қилиб узоттилар”.*

Лавҳа хотимасидан маълумки, ҳазрат Жомий Музаффар Ҳусайн Мирзонинг шоҳона илтифотига мушарраф бўлади, яъни у шоир ёзган таскин, юпанчга йўғрилган байтнинг дастхати — қоралама нусхасини ўзида олиб қолади ва уни улуғлаб шахсан ўзи кузатиб қўяди.

Мухтасар айтганда, Алишер Навоийнинг хотиралари акс этган мемуар асарлар китобхонга тарихий ҳақиқатларни ўрганишда муҳим манба бўлади. Ўз навбатида, юксак маҳорат билан битилган ёдномалар эзгулик, ҳамият, дўстлик, меҳр-оқибат, садоқат тушунчалари моҳиятидан сабоқ беради. Она тилимизнинг жозибасини, латофатини намоён қилади.

**Буробия РАЖАБОВА,**
**ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти етакчи илмий ходими, филология фанлари номзоди.**

# МИКРОМАРКАЗЛАР ВА САВДО ХИЗМАТ КЎЧАЛАРИ

**тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилади**

*Бугунги кунда бандлик соҳасидаги ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад аҳоли учун муносиб даромад манбаини яратиш, узлуксиз касбий малака ва тадбиркорлик муҳитини шакллантиришдан иборат. Бинобарин, аҳоли сонининг юқори суръатларда ўсиши бандлик масалаларида қўшимча имкониятларни излаб топишни тақозо этмоқда.*

## Бандлик

Давлатимиз раҳбари раислигида 2022 йилнинг 15 декабрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилиши ҳам ҳудудларда энергия таъминотини яхшилаш ва аҳоли бандлигини ошириш масалаларига бағишланди.

Аввало, қишнинг дастлабки кунларида энергия билан боғлиқ муаммоларнинг юзага келиши бу мамлакат электр таъминотидаги танқисликлар билан боғлиқ эмас, аксинча жойларда электрни ҳудудлараро тенг тақсимлаш ва қиш-қировли кунларда уни узатишга яхши тайёргарлик кўрилмагани сабаб бўлди. Ваҳоланки, Ўзбекистонда энергия таъминотида охирги олти йилда 5 минг мегаваттдан ортиқ янги электр қувватлари яратилган. 45 минг километр электр тармоғи ва 13 мингдан ортиқ трансформаторлар янгиланган.

Тан олиш керак, мамлакатимизда аҳоли бандлиги билан боғлиқ масала долзарб бўлиб турибди. Аммо видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, жойларда мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланилмаяпти. Мисол учун, аҳолига тарқатилган 100 минг гектар ернинг 4 минг гектарига экин экилмагани йиғилишда қаттиқ танқид қилинди. Жорий йилда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида Президентимиз 4 та асосий йўналишни кўрсатиб ўтди, биринчиси пахта ва ғалладан бўшаган 100 минг гектар ер аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида бўлиб берилади.

Тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида ишсизлик кўп бўлган мингта маҳалла учун микромарказлар ташкил этилади. Ҳудудлардаги 255 та марказий ва 274 та маҳаллалараро кўчалар савдо хизмат кўчаларига айлантирилади.

— Албатта, аҳоли учун даромад оладиган иш жойларини яратиш бугунги куннинг энг долзарб масаласидир, — дейди хоразмлик маҳалла фаоли Санжар Якубов. — 2023 йилда давлатимиз раҳбари томонидан йўлга қўйилаётган маҳаллалар микромарказлари ва савдо хизмат кўчалари тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилиш билан бирга аҳоли учун даромадли иш ўринлари очишда муҳим аҳамият касб этади.

Хоразм вилоятида 531 маҳалла мавжуд бўлса, шундан 20 фоизи ишсизлар кўп ҳудуд ҳисобланади. Жумладан, Шовот тумани “Бешмерган” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан катта йўл ўтган. Юсуф Ҳамадоний зиёратгоҳига борувчилар шу йўлдан ўтади. Ана шу йўл четида 30 га яқин савдо, хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш шохобчалари барпо этилмоқда. Бу каби аҳоли бандлиги билан боғлиқ ижобий ўзгаришларни янада кучайтириш борасида давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаб ўтди.

Албатта, аҳоли даромадларини ошириш, оилалар фаровонлигини таъминлаш ва муносиб турмуш тарзини шакллантириш мамлакатимизда олиб борилаётган изчил иқтисодий ислоҳотларнинг бош мақсадидир. Зотан, давлатимиз раҳбари йиғилишда таъкидлаганидек, йил бошидан буён тадбиркорлик, саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларида 2 миллион аҳолининг доимий бандлиги таъминланган бўлса, 4 миллиондан зиёд аҳоли мавсумий меҳнат орқали даромадли бўлди. Албатта, халқ эҳтиёжи ва талабига мос янги, даромадли иш ўринлари очиш борасидаги саъй-ҳаракатлар мамлакат истиқболи учун хизмат қилади.

**Фахриддин БОЗОРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Изланиш

# «IN VITRO» УСУЛИДА КЎЧАТ ЕТИШТИРИШНИНГ АФЗАЛЛИГИ НИМАДА?

*Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигидаги “Bukhara-Varnet” масъулияти чекланган жамияти “Бухоро-агро” эркин иқтисодий зонасида қад ростлаган қалдирғоч корхоналардан саналади. Бу ерда гидропоника усулида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириляпти. Биргина ўтган йилнинг ўзида корхона томонидан қарийб 2 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинди.*



2018 йилда ўз фаолиятини бошлаган ва бугунги кунга келиб 40 гектар майдонда иссиқхона барпо этган “Bukhara-Varnet”даги инновацион ёндашувлар эътиборни тортмай қолмайди. Яқинда бу ерда яна бир янгиликка қўл урилди. “In vitro” технологияси асосида кўчат етиштириш йўлга қўйилди. Бу лотинча ибора бўлиб, “шиша идишда” деган маънони англатади. Айрим соҳалар, хусусан, қишлоқ хўжалигига “In vitro” усули дадил кириб келмоқда.

Бу ўринда сўз у ёки бу навни унинг энг яхши генетик хусусиятларини сақлаган ҳолда микроклонал кўпайтириш ҳақида боряпти. “Bukhara-Varnet”нинг деярли уч гектар ерни эгаллаган ва махсус тизимлар воситасида зарур микроиқлим яратилган кўчатхонасида “In vitro” усулида 90 миллион дона кўчат етиштирилмоқда. Улар иссиқхона хўжаликларига сотилади. Ҳозирданоқ бу кўчатларнинг салмоқли қисмига харидор бор. Бу ерда нафақат помидор, балки шафтоли, олма, гилос каби мевали дарахт кўчатларини ҳам шу йўсинда ундириб, ички ва ташқи бозорга етказиш имконияти мавжуд.

Туркиялик сармоядор Анвар Хуршиднинг билдиришича, “In vitro” технологияси асосида етиштирилган кўчатлар турдошларига қараганда серҳосиллиги, шунингдек, касалликларга чидамлилиги билан ажралиб туради.

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ҲОКИМ ЎРИНБОСАРЛАРИ УЧУН «ИМТИҲОН»

*Маълумки, эндиликда республиканинг барча ҳудудидан танлаб олинган 14 та туман (шаҳар)да тажриба тариқасида ҳоким ўринбосарларининг фаолияти янгича тизимда баҳоланади.*

## Тажриба

Наманган вилоятидан танланган Косонсой тумани ҳоким ўринбосарларига Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги масъуллари янгича баҳолаш тизими бўйича тушунтириш берди.

Таклиф этилаётган янги баҳолаш тизими, асосан, уч босқичдан иборат бўлиб, 1-босқичда назарий, 2-босқичда амалий билим кўникмалари синовдан ўтказилиб, якунловчи босқичда натижа ва хулосалар чиқарилади.

Мазкур баҳолаш тизимида ҳоким ўринбосарларининг билим салоҳияти, касбий тажрибаси, айниқса, аҳоли мурожаатлари билан ишлашнинг натижадорлигига алоҳида эътибор қаратилади. Бу жойларда фуқароларнинг дардига қулоқ тутиб, уларнинг кундалик муаммоларига ечим топиш масаласи янада қизғин тус олишидан далолат беради.

Баҳолаш натижалари якунида ҳоким ўринбосарларига билимини ошириб бориш, хорижий тилларни ўрганиш, ротация, стажировка, дублёрлик каби тажриба орттириш билан боғлиқ тавсиялар берилади. Шу билан бирга, ҳоким ўринбосарларининг шахсий ривожланиш режалари орқали билим, компетенцияларини доимий ошириб бориши мониторинг қилиб борилади.

Ўз навбатида, бу, мазкур лавозим эгалари фаолиятида натижадорликни таъминлаши шубҳасиз.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

РЕКЛАМА

# «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» АТБ ВА ФРАНЦИЯ ТАРАҚҚИЁТ АГЕНТЛИГИ ЎРТАСИДА ТЕХНИК КЎМАКЛАШУВ БИТИМИ ИМЗОЛАНДИ

*“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ ва Франция тараққиёт агентлиги (ФТА) ўртасида қиймати 400 минг еврога тенг техник кўмаклашув бўйича битимни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Тадбир ФТАнинг Туркия, Марказий Осиё, Кавказ ва Ғарбий Болқон мамлакатлари бўйича минтақавий директори Сесиль Куприпраҳбарлигидаги делегациянинг юртимизга ташрифи доирасида ташкил этилди.*

SANOAT QURILISH BANK



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ўтган йил 21-22 ноябрь кунлари Францияга амалга оширган расмий ташрифи доирасида Ўзбекистон ҳукумати ва Франция тараққиёт агентлиги ўртасида 2025 йилга мўлжаллаб янги стратегик ҳамкорлик дастури имзоланган эди. Ҳужжатга асосан ФТАнинг Ўзбекистондаги фаолияти қишлоқ хўжалиги, энергетика, “яшил” иқтисодиёт, банк-молия, шаҳар шароитларини яхшилаш (сув таъминоти, чиқиндилар ва канализация тизимларини бошқариш), транспорт соҳаси каби бир нечта йўналишларга кенгайди. Франция тараққиёт агентлиги ва “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ ўртасида қиймати 30 миллион еврога тенг кредит битими тузилди.

Жорий битим ушбу келишувнинг мантиқий давоми бўлиб, унга кўра ФТАнинг “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан иқлимга оид лойиҳаларни ишлаб чиқишда 4 йил давомида техник кўмак кўрсатишини ифодалайди.

Бунда иқлим билан боғлиқ лойиҳалар учун техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш, лойиҳалар мақбуллигини баҳолаш, кредит линиясини техник ва молиявий баҳолаш, мониторинг қилиш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек, экологик ҳамда ижтимоий таваккалчиликларни бошқариш ва маркетинг қилиш ҳамда коммуникация фаолиятига кўмаклашиш каби ишлар кўзда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб ФТАдан давлат кафолатисиз тўғридан-тўғри молиялаштиришни қўлга киритган молия институти саналади.

ФТАнинг ушбу қарз маблағлари молия муассасасининг “яшил” лойиҳаларни илгари суриш ва амалга ошириш борасидаги фаолиятига ҳисса қўшади.

**Маълумот учун:** 1941 йилда ташкил этилган Франция тараққиёт агентлиги давлат молиявий муассасаси ҳисобланиб, қароргоҳи Париж шаҳрида жойлашган. Бугунги кунда дунё бўйича 85 та хорижий ваколатхонага эга бўлган ташкилот фаолияти Франциянинг денгизорти ҳудудлари ва 115 мамлакатда иқлим ўзгариши, биохилмахиллик, гендер тенглиги, таълим ва соғлиқни сақлаш йўналишларидаги 4 мингдан зиёд лойиҳаларни амалга оширишда кўмаклашишга қаратилган.

**Банк ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 241. 20 597 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.40 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6